



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2021
1/3**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Тахрир ҳайъати:

Сағдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д, проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д, проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

Тарих

Бабданов Х., Солиев М. Ўзбекистонда меҳнат заҳиралари тизимининг ташкил этилиши ва 1941-1945 йиллардаги фаолияти	4
Бўтаев Ж. Самарқанд вилоятининг аҳоли таркиби хусусида (XIX асрнинг иккинчи ярми)	8
Нишанова Д. Ўзбекистонда усул ал-фикх илмининг ривожини	13
Турсунов Н. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси таомлари, пазандачилиги ва меҳмоннавозлигидаги: анъанавийлик ва замонавийлик	19
Шакиров И. Из истории взаимоотношений Узбекистана и Сингапура в сфере туризма (1991-2020)	24

Фалсафа. Педагогика

Абдуллаева Н. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик масъулиятни шакллантириш технологияларини такомиллаштиришнинг потенциал имкониятлари.....	28
Аманов Г. Ижтимоийлашув жараёнлар тадрижи ва таҳлили.....	31
Ачилов Ш. От сўз транспозициясини ифодалашда маданиятлараро мулоқотнинг айрим хусусиятлари.....	34
Бойматов Ф. Ўзбекистоннинг туризм тараккиётида жаҳон тажрибаси.....	37
Бурханов Т. Ёшларнинг маънавий салоҳиятни юксалтириш масалалари	40
Ганиева Х. Талаба ёшларнинг ўз-ўзини англашни ижтимоий-психологик механизмлари.....	43
Думаров М. Ижтимоий реалликка муносабат экзистенциал ички зиддиятлар ифодаси сифатида.....	46
Жаббаров У. Ўқув жараёнига тьюторлик технологиясини жорий этишнинг илмий-амалий асослари.....	50
Замилова Р. Бўлғуси тарих ўқитувчисининг тарихий тафаккурини шакллантиришнинг моҳияти ва тузилиши.....	53
Зияев Ф. Ўқув машғулоти гуруҳи босқон улоқтирувчиларни улоқтириш техникасини биомеханик таҳлили.....	57
Каримов А. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш.....	60
Karimov I. Yuqori malakali velosipedchi trekchilarni musobaqa oldi tayyorgarligini boshqarish.....	63
Маннопов Х. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашнинг айрим жиҳатлари хусусида.....	66
Махмудов К. Шароф Рашидовнинг миллий адабиёт ва санъатимизни ривожлантиришдаги хизматлари.....	70
Мирзақулов И. Жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият.....	73
Муллабоева Н. Шарқда ёлғизлик ҳақидаги қарашлар.....	76
Mo'minova X. Maktabgacha ta'lim muassasasi psixologi faoliyatining mazmun va mohiyati.....	81
Мухаммадиев К. Жисмоний тарбия машғулоти жараёни самарадорлигини оширишнинг долзарб педагогик муаммолари.....	86
Nafasov M. Ta'lim jara'oni mobol tehnologiyalarni joriy etish zaruriyati.....	91
Narziyeva Z. Musiq madaniyati darolarida o'quvchilarni xalq qo'shiqlari vositasida axloqiy tarbiyalash tizimi.....	96
Nishonov S. Markaziy Osiyo mutfakchilarining ijodida inson tushunchasi va ularning Husayn Boiz Koşifiy va Jalooldin Davoniyning ilmiy faoliyatiga ta'siri.....	99
Одильжонова А. Креативлик шаклланишининг сезитив даври.....	103
Отақулов Ш. Гендер тенгликка амал қилишнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари.....	106
Пайзиева М. Ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмалари.....	110
Пулатова О. Педагогларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда мулоқотнинг аҳамияти.....	114
Rahmatova M. O'quvchilar kasbiy ta'limining psixologik jihatlari va motivlari.....	117
Rahmatov M. Ob-havo o'zgarishlari olib keladigan zararlarni kamaytirishda jahon tajribasi.....	120
Раҳматов З. Болалар энциклопедик лугатлари маданиятлараро алоқани таъминлаш воситаси сифатида.....	125
Раҳматуллаева Г., Мелибоева Г. Organik kimyoni o'qitish samaradorligini oshirishda nostandart testlardan foydalanish.....	129
Рустамова Т. Шахсда ёлғизликни шаклланиш омиллари.....	134
Саидова З. Нотўқима газламалардан фойдаланиб креатив – тиббий бош қийим лойиҳаларини яратиш.....	138
Sarayeva S. "Vaqt" tushunchasining nazariy va falsafiy jihatlari.....	142
Тилолов Ў. Глобал барқарор тараккиётнинг ижтимоий-тарихий жиҳатлари.....	145
Тажибоева Г. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда танкидий фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик-психологик асослари.....	147
Fayziyev Z. "Etnos", "millat" va "xalq" tushunchalarning kategorial tahlilining ayrim jihatlari.....	149
Хамудов М. Спорт психологияси методлари ва спорт мусобақаларининг психологик таҳлиллари.....	152
Xolmuratov O. Sport ixtisoslashuvining boshlang'ich bosqichida yosh velosipedchi shoshechilarning mashg'ulot yuklamalarini optimallashtirish.....	155
Хуррамов М. 1991-2016 йилларда Ўзбекистон – Қозоғистон Республикалари ўртасидаги минтақавий ва икки томонлама муносабатлар вектори.....	158
Chernikova E. Yuqori malakali velosipedchilarning mashg'ulot jarayoni muammolari dolzarbligi masalasiga.....	161
Yusupova Sh. Ingliz tili darolarida talabalarning texnik tafakkurini rivojlantirish uchun cil tehnologiyasini qullash.....	164
Қодирова М. Олий таълим муассаси араб тили ўқитувчиси компетенцияси муаммосини ўрганиш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида.....	167

Филология

Абдусаматов З. Роль фразеологических единиц в английском языке.....	171
Abuzalova. M., Kobilova A. Tibbiy perifrallarga oid ayrim mulohazalar.....	174
Алиева М., Сиддикова И. Замонавий миллий медиа маконда медиадискурс масалалари	178
Амануллаева К. Художественный концепт как единица творческого процесса в литературоведческом осмыслении ...	182
Артикова З. Хитой тилидаги 把 “ba” ли гапларнинг структур тузилиши ҳақида	185
Асронова М. Ўзбек ва инглиз сиёсий дискурсларида замонавий хикматларнинг ифодаланиши.....	188
Akhmedova M. Tilda ma'naviyat: mazmuniy maydon.....	191
Бўронов А. Олтой тилининг лингофондида мазмуни аниқ сакланиб келаётган туркий тилларга хос “Ту” ва “Қи” лексемаларининг қиёсий таҳлили.....	193

Djuraeva M. A cognitive view of phonology	197
Ёрматова Ё. Интонация ва унинг жаҳон тилшунослигидаги талкини.....	201
Зарипова Ф. Ўтган замон феълнинг синтактик-семантик хусусиятларини бадиий таржимада ифодалаш масаласи	205
Маджидова Р. Интерпретация традиционных ценностей в современном и историческом аспекте.....	208
Маматова Ф. Инглиз ва ўзбек тилларидаги эвфемизмларни типологик тадқиқ қилиш.....	211
Маматқулова Ф. Турли тилларда кулинарунимларнинг ўзига хос таснифланиши.....	214
Маннонова С. Инглиз тилидаги расмий хатларнинг коммуникатив-прагматик хусусиятлари.....	217
Назарова Ш. Ўзбек ва корейс тилларида от туркумига мансуб сўзларнинг постпозитив транспозицияси.....	221
Nuraliyeva O., Raximova N. Toni morrison hayoti va ijodi tahlili.....	225
Нуруллаев М. Диний матнларда таржимонларнинг сўз қўллаш маҳорати.....	228
Пардаева Н. Анбар Отин адабий меросининг манбалари.....	231
Рахимов А. Номинатив фаолият воситаларининг рационал-генератив ва эмпирик-рационал талкинлари.....	235
Рахмонова Х. Хуршид Дўстмухаммад ижодида образлар табиатининг индивидуаллиги.....	238
Raxmatova S., Normurodova N. XX asrda Amerika va ingliz adabiyotiga o'z hissasini qo'shgan yozuvchilar.....	241
Сабинова Н. Хоразм халфачилигининг илк манбалари.....	244
Saydamatov I. Инглиз ва ўзбек тилларида “қувонч” ва “кайгу” концептларининг лингвокультурологик таҳлили	247
Сиддикова И., Солиева М., Карабаева Б. Инглиз тилида кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг лингво- концептуал хусусиятлари.....	251
Tadjibayeva G., Tadjibayeva M. Concept as a subject of comparative linguoculturology.....	255
Tojiyeva K. Neologisms and the problem of their study in modern linguistics	257
Холиёров Ў. Таълимий корпусда сўзлараро маъновий муносабатларга доир маълумотларни базасини яратиш	261
Ergashova Sh., Olimzoda P. Ingliz, rus va o'zbek tillarida kasallik nomidan foydalanishning lingvistik xususiyatlari.....	264
Eshto'xtarova B. Ingliz va o'zbek tillaridagi frazeologik birliklarda “bosh” konseptining lingvomadaniy xususiyati.....	263
Yusupova A. O'zbek millatiga xos bo'lgan realiyalar.....	272



*Хуршида РАХМОНОВА,
Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси
Email: xurshida.xalilovna@gmail.com*

Ф.ф.д., У.Жўрақулов тақризи асосида

ХУРШИД ДЎСТМУХАММАД ИЖОДИДА ОБРАЗЛАР ТАБИАТИНИНГ ИНДИВИДУАЛЛИГИ

Аннотация

Ўзбек адабиётшунослигида бадийят илмига, хусусан бадий образ масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада адиб Хуршид Дўстмухаммад хикоя ва қиссалари асосида образлар табиати бадий таҳлил қилинди. Адиб асарларида миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ифодаланиши, тарихий шахс ва замондош инсон қиёфасининг индивидуал хусусиятлари ёритиб берилган. Ёзувчи ижодида анъанавий метафоралардан фарқли равишда индивидуал метафорик образларнинг мавжудлиги асослаб берилди.

Калит сўзлар: образ ва унинг турлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар, бадий тафаккур, бадий умумлашма, индивидуаллик, қахрамон нутқи, хотиралар оқими, ретроспектив сюжет, истиора, анъанавий метафоралар, индивидуал метафоралар

ИНДИВИДУАЛЬНОСТЬ ХАРАКТЕРА ОБРАЗОВ В ТВОРЧЕСТВЕ ХУРШИДА ДУСТМУХАММАДА

Аннотация

В узбекской литературе особое внимание уделяется науке об искусстве, в частности, вопросу художественного образа. В статье дается художественный анализ сущности образов на основе рассказов и повествований писателя Хуршида Дустмухаммада. В работах автора подчеркивается выражение национальных и общечеловеческих ценностей, индивидуальных особенностей исторической личности и образа современного человека. В отличие от традиционных метафор в авторском творчестве, наличие отдельных метафорических образов было оправдано.

Ключевые слова: образ и его типы, национальные и общечеловеческие ценности, художественное мышление, художественное обобщение, индивидуальность, героическая речь, поток воспоминаний, ретроспективный сюжет, аллегория, традиционные метафоры, индивидуальные метафоры.

THE INDIVIDUALITY OF THE NATURE OF IMAGES IN THE WORK OF KHURSHID DOSTMUHAMMAD

Annotation

In Uzbek literature, a special attention is paid on the subject of art, in particular, on the issue of artistic image. The article provides an artistic analysis of the nature of the images based on the stories and narratives of the writer Khurshid Dostmuhammad. The author's works highlight the expression of national and universal values, individual features of the historical figure and the image of modern man. In contrast to traditional metaphors in the author's work, the existence of individual metaphorical images was justified.

Key words: image and its types, national and universal values, artistic thinking, artistic generalization, individuality, heroic speech, flow of memories, retrospective plot, allegory, traditional metaphors, individual metaphors

Ўзбек адабиётшунослигида бадийятга доир назарий қайдлар узок тарихга бориб туташади. Бадий-эстетик тафаккурнинг тараққиёт тамойиллари ҳозирги адабий жараённинг тарқибий ва ажралмас бир бўлаги сифатида ўрганилмоқда. Бадий тафаккур хамиша ўзгариб, янгиланиб туради. Негаки, бадий тафаккур – муайян бир даврдаги миллий адабиёт ҳолатини, муайян манзарасини, янгиликларни, камчиликларини ўз ичига олади. Бу – унинг табиатидаги устувор хусусият. Бирор бадий асарнинг тасвир нозиклигини, бадий ўзига хослигини, образлар тизимини тўғри тушунмоқ, тили гўзаллигини хис этмоқ учун шу асар яратилган давр бадий тафаккурига хос хусусиятларни билиш керак. Чунки чинакам бадий ходиса давр руҳини ифодалаш билан бир қаторда ўзи яратилган вақтдан узокроқ яшайди ва замонга нисбатан тургунроқ бўлади.

Тарихга назар солсак, ўзбек адабиётшунослигида бадийят илмига доир бир неча илмий-назарий қарашлар мавжуд. Адабиётшунос М.Қўшжонов А.Қодирий ижодини бадий таҳлил қилар экан шундай ёзади: “Етук ижод қимматини белгилаш учун одатда бадийнинг ҳар хил талаблари нуктаи назаридан таҳлилдан ўтказиб кўрамиз. Маънонинг ҳаққонийлиги, характерларнинг ёркинлиги, пафоснинг юқорилиги, зиддиятларнинг кескин ва мантикийлиги, композициянинг пишқиллиги,

сюжетнинг ўзига хослиги, тилнинг жозибалилиги ва ҳоказолар. А.Қодирий романлари шу йўсинда тадқиқ қилинса, улар талабга тўла бардош бериши аниқ. Бирок, адиб романларининг фазилати, нафосати – миллийлик, миллий руҳнинг акс этишидир”[1]. Адиб Хуршид Дўстмухаммад ҳам ўз асарларида бадий образ яратар экан, уларнинг маънавий савиясига, миллий ва умумбашарий руҳнинг ифодаланишига алоҳида эътибор қаратади. Унинг кўпгина асарларида ўзбек халқига хос фазилату камчиликлар бор-бўйича акс этган. Ўзбек адабиётимиз ва жаҳон адабиёти сўрларидан воқиф бўлган Хуршид Дўстмухаммад замондош образини яратишда ҳам, тарихий шахс образини яратишда ҳам умумбашарий ва миллий қадриятлар талабидан келиб чиқади. “Ўзгараётган воқелиқдан бадий умумлашма ясашда ҳикоянинг имконияти катта. Лекин бадийлик шарти шундаки, хикоя нечоғли бугунбон жанр эканлигидан қатъий назар унда бугуннинг қадриятлари, бугуннинг муҳим ғали абадий ва ўзгармас қадриятлар қиёфасида ифода топмоғи керак. Ҳикоя долзарб (ўткинчи десак ҳам янглишмаймиз) ва мангу қадриятлар орасида дунёга келади. Ҳикоянинг бугунги кун қириниши нисбатан осон, бирок унинг мағзига сингдирилган мангу қадриятларнинг ифодаси асарнинг умумбашарий ва умрбоқийлигини таъминлайди. Долзарб қадриятлар соясида қолдирилиб

абдий кадрятлар камситилган жойда бадий тафаккур сохталашади, ривождан қолади” [2-15], – деб ёзди Хуршид Дўстмухаммад. Адиб ёзган фикрлар тадбиғини унинг ҳикояларидаги образлар мисолида кўришимиз мумкин. “Миркомилбойнинг Қазо бўлган намоз” ҳикоясида Миркомилбой характерида ҳам миллий, ҳам мангу умумбашарий кадрятларини ўзида мужассам этган тарихий шахс образини, “Тўхтабойнинг бойликлари” ҳикоясида имон-этикодга собит инсон киффасини, “Васий” ҳикоясидаги йигит характерида соф миллий рух билан йўрилган ғамхўр ука образини учратамиз. Йигитдаги мардлик, опасига масъуллик, туғишган биродарини ҳар қандай инжикликларига сабр қилиш хисси факат ўзбек фарзандларига хос эканлигини кўрсатиб берган. “Махзуна” ҳикоясида эса шарқ аёлларига хос ибодатчи фазилятлар ифодалаб берилган. Маданийлик ва миллийлик маълум муҳитда танланган образлар киффасида, уларнинг ички олами тасвирида кўзга ташланади.

Маълумки, санъат ва адабиётда ҳаёт образлар воситасида акс эттирилган экан, бадий адабиёт образли фикрлаш натижасида дунёга келади. Адабиётшунос Б.Саримсоков образга шундай таъриф беради: “Санъатда воқелик ижодкорнинг эстетик қарашлари, принциплари ва идеали орқали ижодий идрокдан ўтганлиги, бинобарин, ўзгартирилганлиги сабабли унга нисбатан “бадий” аниқловчисини қўшиб ишлатамиз. Бевосита мана шу хусусияти туфайли санъат асари, улардаги бадий образлар инсон хис-туғуларини тарбиялайди, унинг ақл-идроқини такомиллаштиради. Демак, санъатдаги образ ва образлиликнинг асосини ижодкорнинг воқеликни хиссий-ақлий идрок этиши, қайта ижодий гавдалантириши ташкил этади” [3]. Инсондаги муайян хис-туғуни, ҳолат ва ҳаракатни, ўй ва кечинмани ўзгалар қалбига, шуурига таъсир этадиган даражада ифодалашда сўзнинг ўрни бекиёсдир. Сўзлардан қай даражада фойдаланиб бадий образ яратиш ёзувчининг маҳоратига боғлиқ.

“Бадий образ борлиқнинг (ундаги нарса, ходиса ва х.к) бадий асардаги акси... Бадий образнинг хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, биринчи галда, унинг индивидуаллаштирилган умумлашма сифатида намоён бўлиши хусусида тўхталиш зарур. Маълумки, воқеликдаги ҳар бир нарса-ходисада турга хос умумий хусусиятлар билан бирга унинг ўзигагина хос хусусиятлар мужассамдир” [4], – деб ёзди таникли адабиётшунос Д.Қурононов. Адабий асарда тасвирланган бадий образ умумлашма натижасигина бўлмай, айни чоғда, конкретлаштириш, индивидуаллаштириш маҳсули ҳамдир. “Шу маънода конкретлилик – бадий образнинг специфик хусусиятларидан бири саналади” [4]. Чунки ёзувчи бадий образни индивидуал хусусиятларини кўрсатиш орқали конкретлаштиради, образга жонлилик, ҳаётгиллик, табиийлик бахш этади. Ўқувчи хиссиётга таъсир қилади, уни ишонтиради. Адибнинг “Шабда” ҳикоясидаги Комрон образи ўзида қатта бадий умумлашмани ташийди ва шу билан бирга у ўқувчи кўз ўнгиде конкрет бир инсон киффасида гавдаланади. Ёзувчи умумлашмага индивидуал хусусиятларини бўрттириш орқали эришади. Масалан, ёзувчи Комрон нутқида: “ар-р... арш дедими – Комрон ичиде қулиб қўйди – коинотнинг чанг тўзони чиқиб кетармишми-ей! Буёғидан уёғи яқинлашиб тўшакка қадалиб ётган... бобой-момойлар ўйлаб топган сафсаталар...” [5], “Дунё жуда кенг, одамлар ҳам, орзу-хаваслар ҳам хилма-хил. Сиз жон қуйдириб айтаётган насиҳатларингизни ҳозир дунёнинг ҳеч ерида ота-оналар фарзандларига айтишмайди” [5], “онам билан қони бир одамда, икки дунёда ҳам тушунмайди” [5] каби гаплари, фикрлари орқали индивидуал белгиларни ифодалайди. Айни шу индивидуал белгиларнинг

ифодаланиши ҳисобига образ бадий умумлашмалиликка эришган. Ҳикояда адиб бутун дунё жамиятидаги иллатларни, глобаллашувнинг инсон онгу тафаккурига таъсири, онладек муқаддас неъматларга бефарқлик, этикодсизлик, маънавий инқироз натижасида келиб чиқадиган оқибатлар ҳақида қайгуради.

Адиб насрининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу тасвирда воқеаларнинг, образларнинг маълум бир томонинин сир сақлашдир. Образларнинг турфа олами, қаҳрамон психологиясида рўй бераётган маълум ўзгаришлар воқеалар ривожини давомида ретроспектив сюжет асосида китобхонга етказиб берилади. “Беозор қушнинг қарғиши”, “Шабда”, “Жоди” ҳикоялари ва “Қатта қўча”, “Қуза” қиссалари ана шундай сюжет асосига қурилган асарлар саналади.

Бадий тарзда бажарилган вазифалар жуда кўп ва муҳимдир Улар эстетика, билим, таълим, коммуникатив ва бошқа имкониятларни ўз ичига олади. Поэтиканинг ажралмас қисми бўлган бадий асар ўз мақсадини образлар воситасида акс эттиради. Образ ва унинг турлари, образ яратиш усуллари, образ хусусиятлари ҳақида ўзбек адабиётшунослигида бир неча назариётчи олимлар қимматли фикрларини айтиб ўтганлар. Жумладан, Д.Қурононов образни қуйидагича тасниф қилади. “... ижодкор эстетик идеали билан муносабатига кўра ижодий ва салбий образлар; ижодий методига кўра: реалистик, романтик, сюрреалистик; яратиш усулига кўра фантастик, гротеск, характер хусусияти ва эстетик белгисига кўра трагик, сатирик, юмористик образлар фарқланади. Кўпинча образнинг предметли томони – тасвир планидан келиб чиқиб инсон, жониворлар, табиат, нарса-буюмлар образи тарзидаги амаллар ҳам ишлатилади. Шунингдек, мураккаблик даражасига кўра бадий образни элементар образ, детал-образ, пейзаж, инсон образи, образли гипертизм тарзида ёки қўламликлик жиҳатидан даражалаган ҳолда мегаобраз, макрообраз, микрообраз тарзида учта турга ажратиш ҳам эътиборга молик... Образнинг предметлилик даражаси деганда ўша образ тасвирлаётган нарсанинг қўлами назарда тутилади. Бу жиҳатдан бадий реаллик тўртта сатҳдан таркиб топади: 1) детал образлар; 2) воқеа-ходисалар образи; 3) характер ва шароит; 4) дунё ва тақдир образи (бадий реаллик)” [4].

Образ моҳиятига кўра, ҳаракатдаги воқеликдан иборат. Реал борлиқдаги, инсон руҳиятидаги турли-туман ўзгаришлар ва кечинмаларни ижодкор ўз онги, дунёқарши, эстетик идеали, ғоявий мақсади орқали синтез қилиш оқибатида бадий образ шаклланади. Шу сабабли ижодкор яратган ҳар бир янги образ янги бир хилкат, янги бир кашфиётдир. Бундай образлар инсон маънавий дунёсини бойитади, руҳини бардам қилади. Бундай образни яратиш учун, биринчидан, воқелик материалда объектив асос, соддароқ қилиб айтганда, ҳамиртириш керак. Иккинчидан, танланган ҳаётий материални қандай тасвирлаш ёки ифодалаш ижодкорнинг хоҳиш ва мақсади, иқтидори ва маҳоратига боғлиқ ҳолда кечади.

Бадий образнинг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг метафориклиги саналади. Адабиётшунос Б.Саримсоков бу ҳақида шундай ёзди: “Бадий кўчимлар ичиде метафора (истиора) жуда қатта ўрин эгаллайди... Сўзнинг истиоравий кўчимига асосланган бадий тасвир ва ифодаси ўта даражада фавқулоддалик касб этади. Натжижада, вуҷудга келган образнинг таъсирчанлиги юксак бўлади” [3]. Яна бир таникли адабиётшунос Д.Қурононов эса: “метафориклик” деганда бадий образнинг бир нарса моҳиятини бошқа бир нарса орқали очишга интилиши, санъатга хос фикрлаш йўсини тушунилади” [4], – деб таъриф беради. Ёзувчи воқеликдаги

нарс-ходисанинг ҳаммага кўриниб турган ташки ўхшашлигига эмас, балки одамлар назаридан яширин ички ўхшашлигига таянган ҳолда фикрлайди. Масалан, Чўлпон гўзал образи ва инсон эрки-озодлиги, Абдулла Қаххор халкни алдаётган Амин, пристав образлари билан ўғриллар, Абдулла Орипов тилла баликча билан ўз қобилигига ўралиб яшаётган одамлар, Саид Аҳмад онгсиз йирткич хайвон бўри билан ўз юртидан, элидан, иймон-этикодидан мосуво бўлган Бўривой образи ўртасида ўхшашликлар топади. Ўз навбатида Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам “Жажман” ҳикоясида бозорга кирволиб ҳамма озукани еб битираётган тўртоёкли галати махлук билан инсоннинг битмас-туганмас орзу-хаваслари, нафси ўртасидаги ўхшашликни кашф қилиши. “Бозор” киссасидаги “учар ликопча”да келган ўзга сайёраликлар билан инсонни сўроқ қилувчи виждон ўртасидаги ўхшашликни топиши – метафорик фикрлаш натижасидир. Бундан келиб чиқадики, образни метафорик, яъни мазмунни яширин асосида тасвирлаш китобхонни шу асарнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш учун бир оз актни чархлашига, асар ҳақида мантикий фикрлашга ундайди. Адабиётшунос Б.Саримсоков метафораларни яратилиш тарзига кўра иккига ажратади. “1.Анъанавий метафоралар. 2.Индивидуал метафоралар.

Анъанавий метафоралар аллақачонлар яратилиб, тил мулкига айланган ва ижодкорлар уларга тез-тез муружаат қилиб турадилар... Индивидуал метафоралар эса у ёки бу ижодкор томонидан илк бор яратилиб, унинг кўчма маъноси ҳам кўпчиликка у қадар маълум бўлмайди”[3]. Демак, индивидуал метафораларда ижодкорнинг тафаккури, воқеликка бўлган муносабати, хислари, эстетик идеали мужассамлашган бўлади. Шунингдек, муайян бадий асар гоёсини, мазмунини баҳолаш ана шу индивидуал метафорик образлар моҳиятини, уларда жамланган хиссий қувватни тўғри англаш орқали амалга ошади. Адиб Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида ҳам индивидуал метафорик образларни учратишимиз мумкин. Муаллифнинг “Жажман” ҳикоясида жажман, “Қоялардан баландда” асарида бургут, “Ўн биринчи эшик”да очилмайдиган эшик, “Саф” ҳикоясида узун саф, “Қичқирик”да сув, “Шабада” ҳикоясидаги олов, “Паноҳ” киссасида она ўрик

дарахти, “Катта кўча”да оромкурси образлари фикримизнинг далилидир. Индивидуал метафоралар ижодкор тасавури, ҳаёли, эстетик баҳоси, тафаккур доираси, дунёқароши билан алоқадорликда ўзга маънога кўчирилган сўз эмас, балки маълум жиҳатлардан кўчма маъно касб этган метафорик образлардир. Асарнинг бадийлигини таъминлашда оддий тил метафоралари билан бир қаторда индивидуал тарзда яратилган метафоралар ҳам фаол иштирок этади. Индивидуал метафоралар кўчим даражаси, хиссий чуқурлиги, фавқулодда образлиги, бетакрорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Истиоранинг бу тури ижодкор учун юксак фалсафий-эстетик хулосалар қилишга кўплаб имкон беради.

Хуршид Дўстмуҳаммад ижоднинг дастлабки босқичдаги асарларида, хусусан, “Саф”, “Этакдаги уй”, “Васий”, “Махзуна”, “Жажман”, “Қазо бўлган намоз”, “Беозор қушнинг қағиши” ҳикояларида миллийлик, миллий кадриятлар, урф-одатларнинг улуғланиши, соф ўзбекона руҳнинг етакчилик қилганлиги кузатилса, кейинги давр босқичдаги асарларида, жумладан, “Шабада”, “Жим ўтирган одам”, “Мухтарам, жаллод жаноблари” ҳикоялари, “Куза...”, “Катта кўча”, “Ҳижроним – мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз” киссаларида инсон, унинг туйғулари, орзулари, ҳаёллари, фикрлари, тафаккури, боринки, Инсоннинг ўзи бош кадрият даражасига кўтарилди. Бу типдаги асарларида адиб инсон туйғуларининг қузатувчиси, қўнғил тебранишларини, кайфият ва унинг натижасида келиб чиқувчи фикрларни текширувчи, руҳият катламларини тадқиқ этувчи, бир сўз билан айтганда, инсонни мураккаб ракурсларда тасвирловчи ижодкорга айланди.

Адиб ижодида образлар табиати, уларнинг индивидуал ўзига хос белгилари муаллифнинг тафаккур тарзи, эстетик идеали, дунёни англаш концепцияси билан боғлиқ. Адибнинг ҳикоя ва киссаларида образнинг макоми, унинг бадий асардаги ифодаланиш усули ўзгарди. Чунки бу давр қаҳрамонлари ўзини тафтиш қилиш орқали ўзликка, ўзлигини англашга интилаётган қаҳмонлардир.

АДАБИЁТЛАР

1. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Т.: Абдулла Қодирий, 1994.
2. Дўстмуҳаммад Х. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида бадий тафаккурнинг янгилиниши. Фил.фан.номз. ...дисс. Т, 1995.– Б.15.
3. Саримсоков Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Т.: Фан, 2004.
4. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Абдулла Қодирий, 2004.
5. Дўстмуҳаммад Х. Қичқирик. – Т.: Шарқ, 2014.
- 6.